

БОШҚАРУВДА САМАРАДОРЛИК СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Азимова Хуршида Мирсамадовна

ТКТИ мустақил тадқикотчиси

E -mail: hurshidazimova@gmail.com Тел 909553622

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, фан техникани, ишлаб чиқаришни жаддаллик билан ривожланиши жаҳон бозорида кучли рақобатни ва табиий ресурс захираларини танқислигини ва доимий нархни ошиб боришини юзага келтирди. Айнан шу вазиятда мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарида самарали бошқарув қобилияти рақобат курашида корхонанинг яшаб қолиш шартига айланади. Корхоналарнинг ўзини-ўзи таъминлаш ва ўзини ўзи молиялаштириш шароитида максимал фойда ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш корхонанинг асосий мақсади ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун харажатларни самарали бошқаришсиз корхонанинг юқори самарадорлик натижаларига эришиш мумкин эмас. Рақобат замонавий иқтисодиётда бозор иқтисодиётининг амал қилишига ёрдам берадиган энг муҳим механизмдир. Рақобатнинг ривожланиши иқтисодиётни такомиллаштириш имкониятларини, иқтисодий ўсишни, мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиш даражасини, бозор иқтисодиёти субъектларининг иқтисодий муваффакиятларини белгилайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хар бир корхона кучли ва зиддиятли рақобат жараёни билан юзма юз келиши табиий холат. Корхоналар бошқарувида мавжуд болган омиллардан келиб чиқиб ўзига хос болган специфик бошқарув стратегияларни ишлаб чиқилиши давр талабидир. Масалан корхоналар бошқарувида қўйда харажатларни минималлаштириш бўйича етакчилик стратегияси таклиф этилган. Харажатларни минималлаштириш стратегияси куйидаги жиҳатлардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш учун енг янги ускуналардан фойдаланиш зарурати.
2. Вазифаларни энг самарали бажариш учун юқори малакали ходимларнинг мавжудлиги.

3. Бошқарувчининг бурчи - замонавий бошқарув усуллари ва турли хил техник такомиллаштиришлардан фойдаланиш орқали доимий тежамкорлик тамойилига амал қилиш.

4. Шу қоидага қатый риоя этиш лозимки, харажатларни тежаш маҳсулот сифатини пасайишига олиб келмаслиги керак.

5. Ўзининг корхонаси ва рақобатчи корхона фаолиятини жорий ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиш.

6. Бозорнинг кўплаб тармоқларини назорат қилиш зарурати, бу эса ишлаб чиқариш кўламининг ошиши билан унинг харажатлари камайтиради. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг мустақиллиги, иқтисодий ва хуқукий масъулияти ортади. Тадбиркорлик субектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг аҳамияти кескин ортиб боради.

Ишлаб чиқариш харажатлари амалга ошириш натижасида маҳсулот таннархи шаклланади.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириб бориш ва унга таъсир этувчи омилларни тахлил килиб бериш жуда муҳим хисобланмокда. Чунки ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши ва юксалиши харажатларни қисқартириб бориш, унга таъсир этувчи омиллари тахлил қилиш каби хусусиятлар жуда қийиндор.

Юқоридагиларни хисобга олиб ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштиришда бир қанча омиллар таъсир кўрсатган. Улар куйидагилардир:

- мехнат унумдорлигини ошириб бориши;
- мехнатни илмий ташкил қилиш;
- ишчи кучларини тўғри жойлаштириш ва ишлаб чиқаришга тўғри жалб этиш;
- фан-техника тараққиётини юксалтириб бориш, тадбиқ қилиш;
- кадрлар малакасини ошириб бориш;
- хом-ашё ресурсларидан самарали ва унумли фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни бошқаришни тўғри ташкил этиш.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган кўплаб фирмалар ишлаб чиқариш харажатларига таъсир қилувчи омилларини хар томонлама ўрганиб, шу асосда иш юритмоқдалар. Масалан юртимизда хўжалик фаолиятини амалга ошираётган ғаллакорликнинг асосий мақсадларидан бири максимал мумкин

бўлган фойда олишдир. Ушбу стратегик мақсадга эришиш имкониятлари ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, шунингдек, ғаллакорларнинг маҳсулотларига бозор талаби билан чекланган. Шунинг учун, харажатлар таклиф ва фойдани белгиловчи омил ҳисобланади. Бинобарин, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишининг жорий харажатларини ва янги ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга оширишда юзага келадиган харажатларни таҳлил қиласдан бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин эмас. Хозирги даврда дунё бўйича, техника, ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг нархи ошиб бораётган бир пайтда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатларни камайтиришга қаратилган бўлиб, ушбу масала долзарбдир.

Бу масалада республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев «Фермерларга механизация хизматлари бўйича кўрсатилаётган ёрдамни кенгайтириш, уларни минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик технологиялар билан таъминлаш, тегишли ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг хизмати билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш зарур»¹ деб таъкидлаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2023 йилдаги ПҚ113-сонли “2023 йилда қишлоқ хўжалинги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-куватлашнинг қўшимча чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2023 йилда амалга ошириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ички бозорда аҳоли талабини таъминлаш ва нархлар барқарорлигини сақлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни иқтисодий ва молиявий қўллаб-куватлаш мақсади кўйилган.²

Харажатларни пасайтириш учун заҳираларни излаш кўплаб фермер хўжаликларининг банкротликдан қочишига ва бозор иқтисодиёти шароитида омон қолишига ёрдам беради. Харажатларни таҳлил қилиш маҳсулот нархларининг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини оширишга ёрдам беради,

¹Мирзиёев Ш.М. Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлиланган тантанали йигилишдаги нутки . -Т.: Ўзбекистон, 2017 йил 9 декабрь

² lex.uz/docs/6424449



чунки товарларнинг истеъмол таннархи билан бир қаторда маҳсулотлар, ишларни, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун ижтимоий зарур харажатлар асос сифатида олинади.

Республика қишлоқ хўжалигининг мамлакатда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариши кенгайтириш – аҳолининг турмуш даражасини янада оширишдаг роли йилдан –йилга ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий йўналиши бўлган халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга катта ахамият берилди. Айниқса, аҳолини озиқ-овқат товарлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасининг ривожланиши муҳим бўлиб, хусусан буғдой етиштириш бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қуидаги маълумотлар оқали кўришимиз таҳлил қилишимиз мумкин.

Сўнгги 4йиллик маълумотларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкин Ўзбекистоннинг барча хўжаликларида 2018-2022 йилларда жами 6633,8 гектарга буғдой экилиб, 29373тонна хосил олинган, 5 йиллик ўртacha тортилган хосилдорлик 44,3 центнер бўлган.

Замонавий шароитда харажатларни пасайтириш муаммоси қўпчилик миллий корхоналар учун долзарбdir. Маҳсулот таннархининг юқорилиги унинг рақобатбардошлигини пасайтиради ва раҳбариятни харажатларни пасайтириш учун сабаблар ва заҳираларни излашга мажбур қилади. Кўпгина корхонада харажатларни режалаштириш, назорат қилиш ва таҳлил қилишнинг самарали механизми мавжуд эмас. Харажатларни бошқариш тизими бошқарув учун зарур бўлган ҳар қандай даражадаги тафсилотларга эга бўлган харажатлар тўғрисида аниқ ва ўз вақтида маълумот олиш, оқилона тариф сиёсатини олиб бориш, фаолиятнинг юқори рентабелликдаги соҳаларини аниqlаш ва кенгайтириш, шу асосда корхона самарадорлигини ошириш имконини беради. Ўзбекистон олимларнинг эътибори, қоида тариқасида, тизимнинг алоҳида элементларига қаратилган бўлиб, бухгалтерия ҳисоби ва унинг маълумотларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Фойдааланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлиланган тантанали йиғилишдаги нутқи . -Т.: Ўзбекистон, 2017 йил 9 декабрь
2. Шейхова М.А., Гасангусейнов М. Факторы снижения себестоимости зерновых культур. <https://cyberleninka.ru/article/n/faktory-snizheniya-sebestoimosti-zernovuyh-kultur>
3. А.Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. Узбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. Т.: ТДИУ, 2009, 280 бет. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/34-y-Sanoat-iqtisodiyoti.-Darslik.-A.Ortiqov.T-2009.pdf>
4. lex.uz/docs/6424449